

Намозларни ва ўрта намозни муҳофаза этинг!



12:00 / 08.03.2020 3378

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

قَانِتِينَ لِلَّهِ وَقَوْمًا أَلْوَسَطَى وَالصَّلَاةِ الصَّلَوَاتِ عَلَى حَفِظُوا ﴿٢٣٨﴾

Намозларни ва ўрта намозни муҳофаза этинг. Ва Аллоҳ учун чин дилдан, қўрқув ила қоим бўлинг. (Бақара сураси, 238-оят)

Намозларни муҳофаза этиш уларни ўз вақтида, яхшилаб, камчиликсиз ўқиш маъноларини билдиради. «Ўрта намоз» ҳақида уламолар турли фикрларни айтганлар. Лекин далилларни солиштириб кўрган уламолар «Ўрта намоз»дан мурод аср намози», – деганлар.

Имом Муслим қилган ривоятда Набий алайҳиссалом «Аҳзоб» урушида:

«Бизни ўрта намоз – аср намозидан машғул қилдилар. Аллоҳ уларнинг қалбларини ҳам, уйларини ҳам оловга тўлдирсин», – деганлар.

«Ва Аллоҳ учун чин дилдан, қўрқув ила қоим бўлинг».

Яъни намозда Аллоҳни қўрқув билан, қалбни фақат Унга боғлаган ҳолда зикр қилинг. Авваллари мусулмонлар намоз ичида баъзи зарур нарсаларни гапириб ҳам турар эканлар. Ушбу оят нозил бўлгандан кейин бундай нарсалар намозда батамом ман қилинган. Намозда фақат Аллоҳ эсланади, фақат У зикр қилинади.

مَا عَلَّمَكُمْ كَمَا اللَّهُ فَادْكُرُوا آمِنْتُمْ فَإِذَا رُكِبْنَا أَوْ فَرَجْنَا لَا خِفْتُمْ فَإِنَّ

تَعْلَمُونَ تَكُونُوا لَمْ ٢٣٩

Агар хавфда қолсангиз, пиёда ва уловда ҳолингизда. Омонликда бўлганингизда Аллоҳни У Зот сизга билмаган нарсангизни ўргатганидек зикр қилинг. (Бақара сураси, 239-оят)

Намоз ҳақидаги гап бу ояти каримада ҳам давом этмоқда. «**Агар хавфда қолсангиз**» деган жумлада уруш, душман хавфи назарда тutilгандир. Агар шундай ҳол юзага келса, юрган ёки минган ҳолингизда ҳам намозни ўқинг. Ўз оёғингиз билан юриб ҳам, минган уловингиз устида туриб ҳам намоз ўқинг. Намозни ўқимай қолдиришга ҳеч қандай узр йўқ. Хавф кетиб, тинчлик бўлиб,

«Омонликда бўлганингизда Аллоҳни У Зот сизга билмаган нарсангизни ўргатганидек зикр қилинг».

Одамлар кўп нарсаларни билмайдилар, Аллоҳ ўргатмаса, ҳеч нарсани билмас эдилар. Шунингдек, Аллоҳ ўргатмаса, намоз ўқишни ҳам билмасдилар. Хотиржам бўлганларида Аллоҳ қандай ўргатган бўлса, шундай қилиб намоз ўқисинлар.

«Тафсири Ҳилол» китобидан